


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

118	INOYATOV I.SH., RAJABOV U.YA. Kuzgi bug'doyning hosildorligiga sug'orish tartibi va o'g'itlash me'yorini ta'siri buyicha olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalari va ularning tahlili
122	QURBONOV N. Yangi O'zbekistonda professional ta'lim tizimi takomillashuvining muhim asoslari
126	РАХМАТОВА У.Д., НИЁЗОВА И.Н. Дуал таълим - профессионал таълим самардорлигини ошириш омили сифатида
130	ХОДЖАЕВ Н., АВЛИЯКУЛОВ А. Дуалное обучение в профессиональных образовательных учреждениях
133	МУХАММАДОВ С.А. Германия дуал (касб-хунар) таълимнинг ўрганиш сохалари ва ўқитиш методлари
135	НОРОВ Н.Ф. Дуал таълимни ташкил этиш
138	ИМОМОВА С.Х., БОЗОРОВ Д.Т. Касб-хунар мактабларида профессионал таълимнинг ташкил этилиш
139	СНОРИҒЕВА Н. А. Professional ta'lim tizimida dual ta'lim texnologiyalarini qo'llash imkoniyatlari
	3-ШҒҒБА. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМИНИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҒОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТИЗИМИ
145	ҒАФҒАРОВ Ф. Дуал таълими тизимида тайёргарлик шароитларида ўқувчиларнинг баҳолаш компетенциясини шакллантириш
147	ХАЙДАРОВ Б.М. Ўқув амалиётларида Power Point тақдимиоти ёрдамида ўқувчиларнинг компетенцияларни шакллантириш
149	УСМОНОВ И. Профессионал таълим муассасаларида талабалар таълимини индивидуallashtiriш imkoniyatlari
153	ABDURAXMANOVA SH.A., SULTONMURODOV A.A. Professional ta'lim tizimida o'rgatuvchi video darslarni qo'llash imkoniyatlari
156	НОРОВ Н., ЭШОНҚУЛОВ Б., ШУКУРЛАЕВА Г. Worldskills standartlari buniча мусобакаларни ташкил этиш
160	ABDIYEV SH. Dual ta'lim asosida tahsil oluvchilarning yuksak axloqiy sifatlarini shakllantirishning dolzarbligi
162	УСМОНОВА Б.Ш., МИРЗАЕВА С.И. Профессионал таълимда интерфаол методлардан фойдаланишнинг асосий омиллари ва методологик талаблари
167	ИМОМОВА С.Н. Professional ta'lim tizimida o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish bo'yicha zamonaviy metodologik talablar asosida ta'lim texnologiyalarini tuzish va ulardan samarali foydalanish
173	TOSHOVA G.J. Innovatsion metodlarni qo'llashning psixologik jihatlari
175	АЗИМОВА М.Б., БОТИРОВ Ж.С. Хунармандчилик амалий санъатнинг инсон хаётидаги ахамияти

	4-ШҒҒБА. ИЛҒОР ЖОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР, ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДОЛОГИК ТАЛАБЛАР АСОСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ КОНЦЕТУАЛ АСОСЛАРИ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КРЕАТИВЛИК ЁНДАШУВ ВА ИНТЕГРАЦИЯ
179	ДЖАНАЛИЕВА Г.А. Илгор хорижий тажрибалар асосида профессионал таълим муассасалари дарсликларини яратишнинг ўзига хосликлари
180	ХАЙТОВ Ш.А. XIXаср – XX аср бошларида ўлкамиздаги техника мактаблари таърибаеси тарихидан
183	КЛИЧЕВА Г.О., КЛИЧЕВА Д.О. Профессионал таълимда педагогик компетентлик ва креативликнинг назарий асослари
185	МУСТАФОВЕВ З.К. Технологик таълимнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш
187	АДИЗОВА С.Ю. Инновацион ёндашув асосида бўлажак мутахассис кадрларда касбий сифатларни таснифлаш
190	АВЕЗОВ Н.Т., JO'RAYEVA.T. Eritmalar mavzusiga oid masalani turli usullarda uzechish orqali o'quvchilarda interaktivlikni oshirish
192	ХОДЖАЕВА Н., МАМУРОВА Ф. Уч ўлчовли компьютер графикасини ўқитишнинг асосий максоди
195	АВЕЗОВ Н.Т., TEMIROV F.F. Chiqindilardan ikkilamchi xom ashuo sifatida foydalanish ekologik vaziyatni yaxshilashning omili sifatida
196	ХОЛОВА Г.К. Технологик таълимни ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси
198	НАСИМОВА Х.А. Бухоро илк мабуотида таълим ва тарбия тарихидан ("Турон" газетаси материаллари асосида)
201	ХАҒУРЛЛОВЕВА З.В. Yoshlarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirish
202	ЮСУПОВА М.Ў. Бухоро маросим таомларининг умумий тавсифи ва таснифоти
205	ТУРСУНОВА У.О., ДЖУРАЕВА Н. Рациональное использование масла зародышей пшеницы в жировучном продукте
207	МАРДОНОВ У.Э., МАЖИДОВА Н.К. Исследование гидрогенезации хлопкового масла на стационарных катализаторах
209	ХАЙТОВ Х.А. Замонавий таълим тизими ривожда кулги маданияти ва санъати муҳим омил сифатида
212	SHARIPOVA M.M. MTtda bolalarni maktab ta'limiga tayuorlashda kompetensiyaviy yondashuvlar
214	АХМАДОВ О.Ш. Тараққийпарварларнинг бухорода таълим-тарбия тизимини ислох қилишга қаратилган гоя ва қарашлари.
217	ЭЛОВА Д.Д. XIX аср охири – XX аср бошларида туркистонда гидромеелорация соҳасида янги техникаларнинг кириб келиш тарихидан

oladi, boshqa kunlari korxonaning o'zida biriktirilgan usta rahbarligida to'g'ridan-to'g'ri kelajakda ishlaydigan ish o'rnida amaliyot o'taydi.

3-toifa — **texnikumlarda** ta'limning xalqaro standart tasniflagichining 5-darajasiga mos keluvchi, bakalavriat ta'lim yo'nalishlari bilan integratsiyalashgan, kunduzgi, kechki va sirtqi ta'lim shakllarida kamida 2 yil muddatga mo'ljallangan ta'lim dasturlari asosida 11-sinfni tugatgan yoshlar o'qitiladi. 2 yillik tahsilidan so'ng bitiruvchilar oliy ta'lim muassasasida o'qigan kasbi bo'yicha suhbat asosida o'qishga qabul qilinishi mumkin. Bu tizim oliy ma'lumot olish niyatida bo'lgan ko'p sonli maktab bitiruvchilarini oliy ta'lim bilan qamrab olish darajasini **yaqin kelajakda 50-60 foizga yetkazish uchun xizmat qiladi.**

Ikkinchidan, kadrlar malakasini xalqaro mehnat bozori talablariga moslashtirish maqsadida **milliy malaka tizimi** ishlab chiqildi. O'zbekistonda ilk bor Milliy kvalifikatsiya ramkasi, tarmoq kvalifikatsiya ramkalari, kasb va mutaxassisliklar bo'yicha professional standartlar hamda tabaqalashirilgan ta'lim standartlari va dasturlari tasdiqlanib, joriy etilmoqda.

Uchinchidan, o'qitish muddatlari o'zgaradi. Xususan, ilgargi 3 yillik bir xil qolipdagi standartdan to'liq voz kechildi. Mutaxassisliklarning murakkablik darajasidan kelib chiqib, **tabaqalashirilgan o'qitish muddatlari** joriy qilindi. Qo'shimcha ravishda professional ta'lim muassasalarini tugatgan yoshlarimizga kelgusida oliy ta'limda o'qishini davom ettirish va butun umr davomida o'z malakasini oshirib borish imkoniyati berildi.

To'rtinchidan, ta'lim dasturlari va shakllari o'zgaradi. Endi ta'limning xalqaro standart tasniflagichi (MSKO) darajalari bilan uyg'unlashgan va mehnat bozori talablari asosida moslashuvchan kadrlar tayyorlash yangi professional ta'lim dasturlari asosida joriy etiladi. O'z navbatida, ishchi kasblar bilan o'rta bo'g'in mutaxassislarini tayyorlash tizimi bir-biridan to'liq ajratildi va alohida o'quv reja hamda dasturlar asosida o'qitilishi belgilandi. Kunduzgi, kechki va sirtqi ta'lim shaklida 2 yilgacha muddatda o'qitish tizimi joriy etiladi. Misol uchun, oliy ta'limning bakalavriat ta'lim yo'nalishlari bilan integratsiyalashgan xalqaro "Associate degree" darajasida mutaxassislar tayyorlash bo'yicha kamida 2 yil muddatga mo'ljallangan ta'lim dasturlari amaliyotga joriy etiladi. Ta'lim dasturlari yakunlari bo'yicha bitiruvchilarga **razryad ko'rsatilgan sertifikat, guvohnoma va diplom** beriladi.

Beshinchidan, ta'lim texnologiyalari o'zgaradi. Bunda, yuqoridagi ta'kidlaganimizdek, avvalo, Germaniya tajribasida yaxshi samara bergan **"dual"** ta'lim prinsiplari joriy qilinadi. Professional ta'limning sifat va samaradorligini ta'minlash maqsadida o'quvchilar egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini bevosita kundalik hayotida qo'llashga o'rgatadigan **kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan ta'lim dasturlari** yaratildi va yangi o'quv yilidan tadbiq etish boshlanadi. Professional ta'lim muassasalari bazasida zamonaviy agrotexnologiyalarga o'qitishni joriy qilish, "simulyatsion markazlar" faoliyatini yo'lga qo'yish amalga oshiriladi. Yana bir muhim jihat, bundan buyon professional ta'lim muassasalari va kasb-hunarga o'qitish markazlari imkoniyatlaridan kelib chiqib, o'quvchilarni jalb qilgan holda isshxonaga, chorvachilik, asalarichilik, baliqchilik, quyonchilik,

ringandachilik, bog'dorchilik, limonchilik, sabzavot yetishtirish, ishlab chiqarish hamda xizmat ko'rsatish sohaslarida tadbirkorlik va kichik biznes tarmoqlari tashkil etiladi.

ДУАЛ ТАЪЛИМ - ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**У.Д.Рухматова - Бухоро нефт ва газ sanoati коллежи "Умумкасбий
фанлар" кафедрa мудири**

И.Н. Ниёзова - БухДУ "Иқтисодийёт" кафедраси ўқитувчиси

Мамлакатимизда изчил амалга оширалаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий гоёси баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутadi. Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини тарбиялаш, таълим муассасаларини муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Миллий моделининг марказида шахс сифатлари турар экан, таълим методларини шу асосда танлаш ва қўллаш ишларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада талабаларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти таъкидлаган эдилар: "Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши мумкин. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам қатга бойликдир". [1]

Ҳар қандай жамиятда бўлганидек, республикамизнинг тараққиётида бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг сифат ва самардорлигини ошириш борасида ҳам сўнгги йилларда кенг қўлмал ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, тadbirkorлиги, фаоллиги каби хислатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш кўзда тутилган. [2]

Ҳозирги кунда профессионал таълим тизимида янги педагогик ва ахборот технологиялари қўллаш, замонавий ўқув услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муаммоларига қаратилган бир неча диккатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, профессионал таълим тизими мақсадида хорижий мамлакатларнинг касбий таълим тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш таълим соҳасида халқимизнинг бой мероси, бунинг мутафаккирларимизнинг ғоялари ва давримизнинг илгор янгилликларини ўзини мужассамлаштирган методик тизимнинг яратилишига асос бўлмоқда.

Профессионал таълим муассасарида таълим олаётган талабаларнинг касб-хунарга мойллаган, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун дуал ўқитишни самарали ташкил қилиш йўлга қўйилди.

Демак, пировард мақсад талабаларга дуал таълимни шакллантириш учун улар билан амалий ишлаш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил билим олишлари учун кенг йўл очиб беришда талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш элементларини қўллаш шу куннинг заруратига айланиши керак. Шуларни инобатга олган ҳолда давлатимиз томонидан профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил қилиш бўйича бир неча қарорлар фармонлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан:

-амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилади;

-дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш бериш билан тузилган шартномага мувофиқ иш ҳақи тўланади.

“Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомида профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этиш тартиби белгилаб берилган. Унга кўра:

ташкilot — профессионал таълим муассасаси билан дуал таълим асосида кадрлар тайёрлаш бўйича шартнома тузган юридик шахс;

дуал таълим дастури — профессионал таълим муассасаси ва ташкilotда таълим олувчининг муайян касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятини ва меҳнат вазифаларини бажаришига қаратилган давлат таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларидан иборат ҳужжатлар тўплами;

иш жойи — дуал таълимда таълим олувчи ташкilotнинг ички тартиб-қоидалари, тегишли вазифалари ҳамда таълим дастурларига мувофиқ амалий кўникама ва малакаларни эгаллаш учун белгиланган иш ўрни;

ўқув-амалий қисм — дуал таълим дастурига мувофиқ профессионал таълим муассасасида ўтказиладиган амалий машғулотлар ва ўқув амалиёти;

устоз — таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмини ўтказиш учун ташкilot томонидан ўқувчи(лар)га бириктирилган масъул шахс;

шартнома — ташкilot ва профессионал таълим муассасаси ҳамда ташкilot ва ўқувчи ўртасида дуал таълимни амалга ошириш учун тузилган ҳужжат.

Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

-дуал таълим ташкил этиладиган ташкilotларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, назирликлар ва идораларнинг иқтисодиёт тармоқларида ўрта бўғин кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб шакллантириш;

-ташкilot ва профессионал таълим муассасаси ҳамда ташкilot ва ўқувчи ўртасида шартнома тузиш;

-хуудудларда касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш;

-тегишли таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда янгиллаб бориш;

-меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган талаб ва тақлифларни доимий ўрганиб бориш;

-дуал таълим дастурлари асосида тайёрланаётган кадрларни баҳолаш.

Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш

Босқичлар	Субъектлар	Талбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	1. Ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш. 2. Дуал таълим бўйича кадрлар тайёрлашда иштирок этадиган ташкilotлар бўйича тақлиф тайёрлаш.	Ҳар йили 1 мартга қадар
2-босқич	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	Дуал таълим бўйича кадрлар тайёрлайдиган профессионал таълим муассасаларини белгилаш. 1. Дуал таълимни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ чоралар кўриш. 2. Профессионал таълим муассасаларида дуал таълимни ташкил этиш юзасидан мониторинг олиб бориш.	Ҳар йили 1 июлга қадар Ўқув йили мобайнида
3-босқич	Профессионал таълим муассасалари, ташкilotлар	1. Дуал таълимни амалга ошириш бўйича шартнома тузиш.	Ўқув жараёни бошланишидан қамада бир ой олдин

4-босқич	Ташкилотлар	2. Касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш ҳамда дуал таълим бўйича ўқувчилар қабулини ташкил этиш. 3. Дуал таълимни ташкил этиш бўйича ўқув жараёни графигини ишлаб чиқиш.	Ўқув йили мобайнида
5-босқич	Професионал таълим муассасалари, ташкилотлар	1. Ташкилотлар билан шартнома имзолаган ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш. 2. Дуал таълимнинг назарий қисмини ташкил этиш.	Ўқув йили мобайнида

Професионал таълим тизимида дуал таълимни қўллашнинг афзалликлари:

1. Муайян ташкилотлар ва корхоналар талабаларни ўқитиш учун сармой киритиши фойдалидир, чунки "чиқиш" да улар корхона (ташкилот) нинг ўзига хос хусусиятларини яхши биладиган тайёр мутахассисни оладилар. Бундан ташқари, тадқиқотлар шунини кўрсатадики, иш берувчилар дипломни олгандан кейин битирувчи улар учун иш берувчидан келиб чиққан ҳолда ишлашда давом этишига амин.
 2. Дуал таълим касбий тажрибани мақбул равишда узатиш билан бирга, иш жойида ўз позициянгизни белгилашга имкон беради.
 3. Корхоналар ўқувчиларнинг янги тоялари ва турткиларидан фойда кўришади.
 4. Битиргандан сўнг, талабалар дарҳол ишлаб чиқаришга жалб қилиниши мумкин: касбий мослашишга бўлган ехтиёж йўқолади.
 5. Битирув малакавий ишларнинг изланишлари иш берувчилар талабларига жавоб беради ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини беради. Семинарларда талабалар таълим оладиган корхоналарда юзага келадиган конфликтларнинг амалий ҳолатлари муҳокама қилинади.
 6. Таълим ва шерик корхоналар ўртасидаги шериклик алоқаларини ривожлантириш мангигида талабаларнинг касбий йўналишига, уларнинг мартаба ўсишини бошқаришга янги ёндашувлар пайдо бўлади.
- Дуал таълим тизими мактабдан то докторантурагача бўлган босқичларни камраб олади. Бу эса малакали кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон иқтисодиётини кескин ривожлантириш аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин қизлар бандлигини таъминлаш, камғалликни қисқартиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адаблётлар рўйхати.

1. И.А.Каримов.Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир.-Т.: «Мавнавият». 2015 й.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, IV. Иқтисодий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, 4.5.Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.-Т.:7.02.2017 й.
3. "Професионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари" Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 163-сонли қарори.
4. "Професионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2021 й., 09/21/163/0250-сон.

ДУАЛЬНОЕ ОБУЧЕНИЕ В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Ходжаев Н., к.т.н., доц., Авлиякулов А., к.п.н., доц.

Институт педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования

Развитие экономики Узбекистана направлено на подготовку квалифицированных кадров для крупного и малого бизнеса путем организации занятости и обучения для обеспечения занятости населения, особенно молодежи и женщин, а также сокращения бедности. Система дуального образования является одним из способов достижения успешной интеграции в процессе обучения теории и практики при подготовке конкурентоспособных специалистов для удовлетворения потребности рынка труда. В системе дуального образования, благодаря увеличению доли часов практической подготовки будущие выпускники получают производственные навыки уже на стадии обучения, причем пропорция 1:4 теоретических и практических часов для большинства учебных заведений реализующих дуальное обучение составляет в пользу последних.

Дуальная учебная программа - это совокупность образовательных стандартов, квалификационных требований, учебных программ, учебных пособий и пособий (модулей), определяющих основное содержание профессиональной подготовки, направленной на профессиональное выполнение профессиональной или профессиональной деятельности по определенной профессии или специальности в образовательном учреждении и на предприятии.

Актуальность - технология практико-ориентированного обучения (ПОО) в профессиональном образовательном учреждении (ПОО) позволяет повысить эффективность и качество обучения. В отличие от традиционного образования, ориентированного на усвоение знаний, ПОО направлено на приобретение кроме знаний, умений, навыков (ЗУН) – опыта практической деятельности. Учитывая вышеизложенное в нашей стране уделяется огромное внимание развитию